

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 6 СЎМ

УШБУ СОНДА:

АБДУҒАФФОР НОРМАНОВ:

**ИНГЛИЗЛАР ЖАҲОНГА МАДАНИЯТ
ТАРҚАТМАГАН!**

3-БЕТ

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

**БИР ЖУФТ ОЛМА ЕХУД ПИНҲОНА
ДУОНИНГ ХОСИЯТИ**

4-БЕТ

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ТОҲИР МАЛИК:

ФАНТАСТИКАНИНГ

ВАТАНИ — ШАРҚ

ЮСУФ ЗИЕД:

ОДАМ ЖИНОЯТЧИ

БЎЛИБ ТУГИЛМАЙДИ



— ҚУЕНЧАМ УХЛАБ ҚОЛДИ

Суратчи: А. ТЎРАЕВ



ЖАМҒАРМА

ФАОЛИЯТИДАН

Онаник ва болаликни муҳофаза қилишга оид бугунги ўткир муаммолар тиббий бригадалар ташкил этишни тақозо этмоқда. Бухоро вилояти бўйича 1989 йилда бошланган ушбу хайрли иш ҳозир ҳам бир маромда олиб борилаётир.

Ҳар йили ушбу тиббий бригадаларда энг сара шифокорлар фаол иштирок этмоқдалар: Ошқозон-ичак заҳарланиши билан боғлиқ хасталиклар, шунингдек, сарик, зотилжам сингари касалликлар вилоят бўйича кўпайиб кетганлиги бундай тadbирларнинг айна шу паллада кўпроқ ўтказилишига сабаб бўлмоқда.

Конкурс асосида танланган вилоят болалар тиббий муассасаларининг тажрибали ҳақимлари шаҳар ва қишлоқлик ҳамкасблари билан бирга касалхоналарда, туғруқхоналарда, амбулаторияларда турли хил юқумли касалликларнинг олдини олишда ишжонат кўрсатмоқдалар.

Тиббий бригада штаблари қишлоқ шифокорлари билан биргаликда беморларни қабул қилиш ва даволашда, муолажалар ўтказишда ҳамда юқумли касалликларга қарши кескин курашда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ана шу инсонпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этган тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Болалар жамғармаси Бухоро вилоят бўлими томонидан муносиб тақдирланмоқдалар.

* * *

Яқинда Бухоро шаҳридаги вилоят Болалар уйига Японияда ишлаб чиқарилган битта телевизор ҳамда видеомагнитофон кассеталари билан тортиқ қилинди.

Бу совғани Амриқодаги «Диалог интернейшл» фирмасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколотхонаси вице-президенти, Бухорода туғилиб ўсган Юрий Ашурович Содиқов топширди. Болалар уйи тарбияланувчилари ва жамоа аъзолари ушбу «арзимас совға» учун Юрий акадан беҳад миннатдор.

* * *

Бухоро вилоят болалар ва ўсмирлар маркази хайрли тadbирларни амалга оширмоқда. Марказ раҳбарлари вилоятдаги ногиронлар уйи тарбияланувчиларига бичиш-тиқиш, сураткашлик, машинкада ёзиш каби касбларни ўргатмоқдалар. Бухорода ногирон болалар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазмаси ҳамда конкурси ўтказилди.

Вилоят болалар жамғармаси Бухоро шаҳрида яшовчи 10 нафар ёрдамга муҳтож болага ногиронлик арвачаси ҳадя қилди.

А. МУЗАФФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Болалар
жамғармаси Бухоро вилоят бўлими раиси

«Оила ва жамият» 5 (76)

Бир куни

ЧИНДАН ҲАМ ХАЛОСКОРМАНМИ?

Бунга анча вақт бўлди. Узбекистон радиосининг «Сўнги ахборот» бош муҳарририятида ишлардим. Эрта-лаб ишга келаётиб Тошкент тумани Марказий шифохонаси олдида ўттиз ёшлардаги бир жувон қорнини ушлаб букчайиб ихраб турганига кўзим тушди. Енига бориб:

— Сизга нима бўлди, касалхонага кирмайсизми? — дедим, — ё юришга мажолнингиз йўқми, ёрдамлашайми?

— Қанийди кирсам, мени касалхонага қабул қилишмаяпти, — деди.

— Нега, нега?! — тутоқиб кетдим, — Ахир совет замонасида ҳам шунақа бедодлик бўладими, юринг мен қабул қилдираман.

Касалхона эшигини тақиллатдим. Оқ халатли ўрта ёшдаги шифокор аёл чиқди. Мен ундан кўчадаги беморни қабул қилмасликлари сабабини сўрадим. Бу ахволда у нобуд бўлишини ўқтирдим. У менга бошдан оёқ рзм солиб чиқди.

— Қариндошингизми?

— Йўқ. Умуман бегона.
— У ўзича аборт қилдириш натижасида кўп қон йўқотган. Барибир ўлади. Бу ердан нарида (кўчада)

ўлгани маъқул. Биз унинг ўлими учун жавоб бермаймиз, — деди-да эшикни шартта ёпиб кириб кетди.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Нима бўлганда ҳам унга тез тиббий ёрдам кўрсатиш керак-ку ахир. Шифокор ҳам шунақа бераҳм бўладими. Авзоини кўриб юрагим оркамга тортиб кетди. Марказий касалхонанинг бош шифокори Муртазо Эшонхонוני чақиртириб топдим (у киши билан ҳамқишлоқмиз, ҳозир пенсияда). Кўчада турган беморга тиббий ёрдам беришини сўрадим. У киши ҳам боғли врач аёл (Нина Ивановна) нинг гапини такрорлади.

— Бу ўзича аборт қилдириган, касалхонамизда ўлса, бунинг учун биз жавоб берамиз, ҳатто жавобгар бўламиз, — деди.

— Бу шўрликни касалхонага олмайсизми? — баланддан келдим, — ҳозир тўппа-тўғри ЦКга телефон қиламан, бемор фалон район касалхонаси эшиги олдида жон таслим қилди, бош врачдан тортиб ҳамма тиббиёт ходимлари унга дастлабки тиббий ёрдам беришдан бош тортишиб, ўлимини томоша қилишди, дейман, кейин у ёғига жавобини бераверасиз, у ёқнинг жавобгарлиги

тақдирингизни ҳал қилса керак.

Муртазо ака Марказкўмни пеш қилганимдан чўчидими ё дилига худо раҳм солдим, ҳарқалай «аборт»чи жувонни касалхонага олишга кўнди. Шу билан мен хотиржам бўлиб ишга жўнадим. Бу воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетди. Бир куни эски шаҳар бозорига бир аёл менга рўбарў келиб деди:

— Ассалому алайкум халоскорим! Яхши юрибсизми?

Дабдурустдан бу ким бўлди, дея гангиб қолдим.

— Танимадингизми? Кўктеракдаги касалхонага мени олдириганингиз эсингиздами?

— Эҳ, эсладим, — ўша сизмисиз?

— Ҳа, мен. Ушанда эрим билан жанжаллашиб, жаҳл устида ўзимга жабр қилган эдим, сиз менинг чин халоскоримсиз. Учта фарзандимни етим бўлишдан асрадингиз. Бошингиз тошдан бўлсин, мингга киринг, — деб пешонамдан чўлп этиб ўпди-да, кўз ёшларини артиб, кимлигини ҳам айтмай жўнаб кетди. Ушандан бери эсимга тушса, чиндан ҳам мен унинг халоскориманми, деб ўйлаб қоламан.

Тожибой АЛИМОВ
«Ишонч» газети ходими

Етти кун

УСТА АРАБИСТОНГА БОРАДИ

Фарғонада муҳташам Муствақиллик дарвозаси барпо этилгандан хабарингиз бор. Куни-кеча вилоят ҳокими М. Исломов ана шу ёдгорлик қурилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган уста Саминжон Мўйдиновга Саудия Арабистонига, умра зиёратига бепул йўлланма (баҳоси 205 АҚШ доллари ва 75 минг рубл) топширди.

ТЎҚУВЧИ УҚУВЧИЛАР

Сайхунободдаги Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли ўрта мактабда ўқишгапти ва айни вақтда... тўқишгапти. Гап шундаки, бу ерда атлас тўқиш цехи ишга тушган. Уқувчи қизлар аллақачон атласга бурканган. Уқиш ва тўқиш маза экан, дейишмоқда улар...

ТАБАКАГА НАМАНГАНГА БОРИНГ

Олмониянинг Ламман шаҳридан парвоз қилган тайёра Наманган шаҳрига келиб қўнди. Тайёрадан юк—тез семирвучи (четникада!) 80 минг жўжа беталофат қабул қилиб олинди ва дарҳол маҳаллий паррандачилик колхозига жўнатилды. «Импорт» жўжаларнинг келгани яхшику-я, ишқилиб, товукбоқарларимиз ҳушёр бўлишса бас.

ОТ МЕНГА, КАМАЗ СЕНГА

Фаллаорол туманида бўлиб ўтган катта кўпчиликнинг кўзини ўйнатган чопқир от яп-янги КамАЗ автомашинасига айрибошланди. Ҳозир янги КамАЗнинг нархи 5-7 миллион атрофида. Олий зот отларнинг баҳоси ҳам ундан асло паст эмас.

НИҲОЯТ

Тошкент озиқ-овқат дўконларида нархлар бироз пасайган кўринади. Ҳозирча фақат хорижий моллар — шоколад ва сигареталар: масалан, «Бриж», «Ричмонд» каби аъло навли папирослар 96 сўмдан сотилмоқда. Анчадан бери кўринмай қолган ўрис ароғи ҳам пештахталарда турибди. Купонсиз, 421 рублдан.

ОПА-СИНГИЛ ОВСИНЛАР

Бу хабаримиз ҳам оилавий мавзуда. Андижондаги шифоналардан бирини қоровул бўлиб ишловчи фуқаронинг саккиз ўғли, унинг танишида эса тўққиз қиз бор экан. Бирини ўғилга, иккинчисини қизга интиқ оилалар қуда-анда тутинишга аҳд қилишибди... Янги йил арафасида ўғилларнинг тўртинчиси тўртинчи қизга ўйланди. Алқисса, бир оилада тўрт опа-сингил овсин, тўрт ака-ука божалар умргузаронлик қилишмоқда, дея хабар беради «Андижоннома» газети.

ШВЕТСИЯДА, ЎЗБЕК ТИЛИДА

Куни кеча юртимизга олис Шветсиянинг нуфузли олийгоҳидан бир нечта олимлар ташриф буюришди. Улар ўзлари билан «Инжил»нинг ўзбекча нусхасини ҳам олиб келишибди.

Айтишларича, Шветсиядаги ўша олийгоҳ дунё халқларининг Муқаддас диний китобларини ўзбек тилига ўгиришар экан.

МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ.

Рустам Очилов мамлакатимиз равнақи йўлида катта ишларга бош-қош бўлаётган инсонлардан бири. Амударёдан 154 метр баландликка сувни кўтариб бераётган баҳайбат ва қудратли 6 насос станцияси, Қарши бош канали, республикада энг йирик Таллимаржон сув оломборини ҳозирги иқтисодий бўҳрон шароитида ишлатиш, вилоятнинг кўп туманларини сув билан таъминлаш ҳақил гап эмас. Узи техника фанлари номзоди. Бунинг устига тиниб-тинчиманган одам, шоирлиги ҳам бор. Шеърлар тўплами чоп этилди.

«АҚЛЛИ ОДАМЛАР»

ХОҲЛАШ МАГАНДИ

— Сизни вилоятда миллионер дейишаркан!

— Бу ёғига миллиардер деяверинг. 1993 йилда янги нархлар бўйича 3,5-4 миллиард харажат қилсак керак. Кўпи электрга. Насосларнинг бенуқсон ишлаши, каналларнинг ўз вақтида таъмирланиши ҳамдўстлик мамлакатларидаги 50 дан ортиқ корхонадан олинандиган жиҳозларга, эҳтиёт қисмларга боғлиқ. Ҳозир четдан нарса олиш қийин. Қишда кўпларнинг биз билан иши йўқ. Езда йўқлаб қолишади. Бир соат сув тўхтасин-чи, худо кўрсатмасин, каттагаям, кичиккаям керакмиз.

— Унда насос ва каналларни қандай ишлатаёйсизлар!

— Олдиндан юрагимиз сезганди. Кўплар сиватбозлик билан шуғуллана бошлаганда биз ўзимизни иқтисодга урдик. Урсия корхоналари билан келишиб икки-уч йилга етадиган эҳтиёт қисм, жиҳозлар олиб келдик. Тўғри

қилган эканмиз, энди куни-мизга ярапти.

— Ҳозир қандай йўллари-ни ахтараяёйсизлар!

— Пулнинг қадрсизланиши туфайли, кўпгина корхоналар оғир аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун агрофирмалар ташкил этдик. Ер, сув бор. Гўшт, сўт, полиз маҳсулотлари, пивэ етиштирамиз. Уларни бартер асосида эҳтиёт қисмлар, қурилиш материалларига алмаштирамиз. Четга қоғоз пул эмас, маҳсулот керак.

— Сизни қийнаётган муаммолар!

— Ҳозир ташвишсиз одам борми? Лекин мени бир нарса кўп ўйлантиради. Биз сувдан жуда эътиборсиз фойдаланамиз. Ахир сув бизнинг ҳаёт-мамотимизку! Шунинг уйлаб қийналаман. Сувни ўлчаб сотишни йўлга қўйиш керак.

— Узингиз ҳақингизда икки оғиз.

— Бешкентда туғилган-



Сухбатдош: Норқул ТИЛОВ



УзА сурати

ЮЗ БИР ДУО

Дуо инсонни Аллоҳ билан боғлаб турувчи восита, у орқали биз ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ билан боғланамиз. Фақатгина бунинг учун қалбақ ва jisмонан пок бўлишимиз керак.

«Меҳнат» нашриётида «Юз бир дуо» номли китоб чоп этилгани кўп савоб иш бўлди. Китобда ҳар бир мусулмон учун энг зарур бўлган дуолар жамланган бўлиб, улар «Ҳиснул муслим» («Мусулмоннинг кўрғони») китобининг 1412 ҳижрий — 1992 мелодий йилда Ар-Риёд шаҳрида чоп этилган 9-нашридан танлаб олинган. Дуоларнинг дастлаб арабча матни, сўнгра кирилл алифбосидаги транскрипцияси ҳамда маъноси берилган.

Қуйида берилётган дуолар ушбу китобдан олинган. Дарвоқе, китоб яқин кунлар ичида китоб дўконларига сотувга чиқади.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Уйкуда кўрққан ва чўчиганда ёки шундай дарада мубтало бўлганда ўқиладиган дуо.

Аъзузу би калиматиллаҳит-томмати мин ғазобиҳи ва иқобиҳи ва шарри ибдиҳи ва мин ҳамазатиш-шайатийна ва ай-яхзаруни.

Маъноси: Аллоҳнинг мукамал калималари билан У (Аллоҳ)нинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан ва шайтонларнинг васвасидан ва уларнинг менга келишидан паноҳ тиламан.

УЙКУДАН ТУРГАНДА ҲАМДА ҲАМДА ҲАМДА

Алхамду лиллаҳил-лазий аъфани фий жасадиҳи варода аълайя рухий ва азина лий бизикриҳ.

Маъноси: Вужудимни сақлаган, руҳимни қайтарган ва мени ўзининг зикрига яна қодир қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

ОДАМНИНГ ИШИ ЮРИМАЙ ТУРГАНДА ҲАМДА ҲАМДА ҲАМДА

Аллоҳумма ла саҳла илла ма жаъалтаҳу саҳлан ва анта тажъалул

ҳазна иза шиъта саҳлан. Маъноси: Эй бор худоё, дунёда ҳеч бир енгил иш йўқ. Агар Сен хоҳласанг ҳар қандай ишни ҳам енгил қиласан.

ФАРЗАНДЛАРНИ ТУРЛИ БАЛО-ҚАЗОЛАРДАН САҚЛАЙДИГАН ДУО

Аънибни Аббасин розиял лоҳу анҳума қола: Кана расулulloҳи саллоллоҳу алайҳи ва саллам яъуз-зул Ҳасана вал-Ҳусайн «Аъизукума бикалимаатиллаҳиттоммати мин кулли шайтонин ва ҳаммасин ва мин кулли аъйнин ломматин».

Маъноси: Ибн Аббосдан ривоят қилинди: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам набиралари Ҳасан ва Ҳусайнга уларни ёмонликдан асраш ниятида бу дуони ўқир эдилар: «Аъизукума бикалимаатиллаҳиттоммати мин кулли шайтонин ва ҳамматин ва мин кулли аъйнин ломматин», яъни «Аллоҳнинг калимаси билан ҳамма шайтондан ва зарарли нарсалардан ҳамда ёмон кўзлардан сизларни Аллоҳнинг ўзи асрашин сўрайман».

Дераза

ШАМПАН БОШДАН ОЛАДИ

Майхона косагули шампан шишасини пақиллатиб очди... ва отилиб кетган қопқоқ унинг ёнида турган хотинига тегиб, ўлдириб қўйди. Неапол шаҳри полицияси олти гувоҳнинг кўрсатмаларига асосланиб, 37-ёшли Данте Фрузи кантени қасдан одам ўлдирганликда айб-ламоқда. Гувоҳларнинг айтишича, коса-гул шиша қопқоғининг мўлжал — 32 ёшли хотини Мариянинг ўнг чаккасига тегиши учун уни ўзига яқинроқ турғизиб қўйган. Докторлар зарба кучли бўлгани учун Мария тил тортмай ўлганини аниқлашди.

Мариянинг дугониси Паола Кавальери полицияга, эр-хотин анча вақтдан бери жанжаллашиб юрар эди, Данте шундай қилиб қонига ташна қилган хотинидан қутулмоқчи бўлди, деб кўрсатма берган.

ЎЗА

ХУДО БЕРАМАН ДЕСА...

Африкалик Кэти Хоним ва асли хитойлик бўлган Сэммилар оиласида сям эгизаги туғилди. Бундай ҳодисадан олимлар ҳайратланаётган бўлсалар, эр-дарагазоб, хотин эса ноилж. Лекин ёш замбияликлар оиласини ларзага солган нарсаси бу эмас. Негаки, бугунги тиббиёт учун бошлари бирлашиб кетган соғлом эгизакларни жарроҳлик йўли билан ажратиш қийинмас. Ҳамма бало шундаки, осиелик Сэмми ва қора танли Кэтининг эгизакларидан София оқтанли, Труди эса қора танли бўлиб туғилди.

Хотинини суюқоёқликда айблаётган эр у билан ажрашиб тарадудига тушиб қолди. Кэти шўрликнинг эса, эримга хиёнат қилмаганман, деб тақорлашдан ўзга чораси йўқ.

Олимларнинг фикрича, бу ҳодиса ноёблигидан ташқари илмий нуқтаи назардан ҳозирча тушунтириб бўлмайдиган ҳолдир.

ЎЗА

«БУЮК БАШОРАТЧИ»

Житомир шаҳрининг фуқароси Т. Иванченко нарх-навонинг ошишини аввалдан билиб, яхшигина тайёргарлик кўриб қўйган экан. У уйидаги ваннани бўғизгача қилиб кунгабоқар мойига тўлдириб олишга улгурган. Истеъмол молларининг нархи кундан-кунга кўтарилиб кетаётган бир пайтда тўрт-беш йил ювинмай турса ҳам бўлаверди, деб изоҳ берибди «буюк башоратчи».

(М — Э)

Оила

35 ЕШДА

Хоразмлик, ўрта бўйли, истаралик, орастагина хоним, ўз дидига мос, ёши 35—36 дан ошмаган меҳрибон, пок виждонли, қадди-қомати келишган, кўлида ҳунари бўлган жаноб билан ҳаёт йўлини бир умрга боғлаш истагида. «Оила—151»га мактуб кўлланд.

22 ЕШДА

Бўйим—190 см, вазним—95 кг, Хоразм вилоятиданман, ёлғиз онам билан турман. Армия хизматини ўтаб келиб, ишлаяпман. Маошим бир рўзгорнинг тирикчилиги учун етади. Ёши 18—22 орасида бўлган, ўзбек урф-одатларидан яхши хабардор, оилам дейдиган қиз (ёки турмушидан ажралган, боласи йўқ жувон бўлса ҳам розиман) билан танишиб, бахтли оила қурмоқчимман. «Оила—152» хатларингизни кутмоқда.



ГУРУНГНИНГ «ҚАЙМОҒИ»

Суратчи: Даврон АҲМАД

Табриклаймиз!

Азиз ва мўътабар Отажоним! Сизни муборақ 88 ёшингиз билан, қизим ШАРОФАТХОН ва ҳаёт йўлдошим ОМИНАХОН 7-8 феврал туғилган кунларингиз билан чин дилдан муборақбод этаман. Ҳаммаларингизга сизга саломатлик, узоқ-умр, бахт-саодат тилайман. Сизларнинг МУҲАММАД ЖОНингиз, ҳамда ўғил-қизларингиз, укаларингиз. ЮНУСОВлар хонадони. Қарши шаҳри, Шайх Али қишлоғи.

Хурматли дўстимиз ЭЛ-ДОР! Сизни 7-февралда 25 ёшга тўлишингиз муносабати билан қизгин қутлаймиз. Оллоҳдан сизга соғлиқ, тан хотиржамлик тилаб дўстларингиз РАВШАН ва НУРИК.

9 февралда суюкли қизча-миз МАЪРИФАТХОНни 9

ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Умри узоқ бўлсин. Буюк бобомиз ҳазрат Навоийнинг севикли қаҳрамонлари янглиғ ҳалол ва боқира инсон бўлиб етишсин, деб дадаси, онаси, акалари ДИЛШОД ва ШУҲРАТ Фармоновлар.

Хонадонимиз суюклиси ХАМИДЖОН. Сенга дунёдаги жамики эзгуликлар ва битмас-туганмас соғлиқ, бахт тилаймиз. СЕВАРА, БАХТИЕР, ЖАМШИД РАСУЛОВлар.

Севишли ўғлимиз УТҚИРЖОН! Сизни 5-феврал — таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга ҳаммиса соғ бўлинг! Отажонингиз ва дадажонингиз Соёбназар ДАВЛАТОВ. Тошкент шаҳри.

Севишли акажонимиз БАҲОДИРЖОН! Таваллуд кунингиз билан чин юракдан

муборақбод этамиз. Фарзандларингиз ҳузурини кўринг, мартабангиз ҳаммиса зиёда бўлсин. Укаларингиз КОМИЛЖОН, МУЗАФФАРХОНлар.



Дугонамиз ГУЛНОРАХОНни туғилган кунин билан қизгин табриклаймиз. Хона-

доним доимо дўстлар даврасига, бағри фарзандлар қувончига, вафоли ёрига тўлиб турсин. Орзу-хавасларидан анбар исли гуллар унсин, деб Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик олийгоҳининг кечки IV курс талабалари.

Азизам ШОИРА! 9 феврал туғилган кунинг муборақ бўлсин. Бахтимизга доимо омон бўлсин. БЕКТОШ.

Азиз ва меҳрибон фарзандимиз САРВИНОЗ! Сени оиламизга бахт ва қувонч ато қилган кун — 9 феврал, яъни қутлуг 3 ёшинг билан чин қалбимиздан қутлаймиз. Келажакда динonatли, имонли инсон бўлиб етишини яратган эгамдан илтижо қилиб сўраймиз. Ҳеч қачон гунча лабиндан қулагу, чеҳрангдан табассум аримасин. Бахтимизга доимо омон бўлсин деб сени жонидан ҳам ортиқ кўрувчи онанг Туғи-



ной ЭРПУЛАТ қизи ва аданг Иброҳим ОТАХОН ўғли.

6-феврал кунин соат 15.00 да Тошкент тўқимачилар маданият саройида наъбатдази «Мўъжизалар майдони» йўли бўлиб ўтади. Чипталар сарой биноси кассасида сотилмоқда. Маълумот учун телефонлар: 53-36-65, 39-43-95, 22-34-07, 23-26-53.

«Оила ва жамият» 5 (76)

Фақр аро бирранглик душвордир беҳад,
вале, хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг,
яшил.

Алишер Навоий номли Нафис санъат мактабига кириб бораверишим билан ҳаёлимга ул зотнинг юқоридаги сатрлари келди.

«Бирранглик»ка асосланган шўро мактаблари ўзини оқламагач, ўрта таълим тизимини ўзгартириш, литсейлар, коллежлар, иқтидорли болалар мактаблари, махсус таълимгоҳлар очиш лозимлиги кўриниб қолди. Ва бунини тушунган «садақаси кетсанг арзийдиган» кишилар имкониятни қизғонмадилар. (Раҳмат, уларга). Шу уйғонишнинг илк меваси-юртимиз мустақилликни кўлга киритган вақтдан иш бошлаган Тошкентдаги Нафис санъат мактабида 170 нафар иқтидорли болалар тил ва адабиёт, тарих, санъатшунослик бўлимларида таълим олиш-

моқда. Санъатшунослик бўлимининг ўзида нақошлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик сирлари алоҳида ўргатилади. Шу ўқув йилидан бошлаб ўзбек ва инглиз тилларини чуқур ўргатувчи синфлар ҳам очилди.

Динлар тарихи, тарих, эски ўзбек ёзуви, «Одобнома», «Нафосатнома» махсус курсларидан олиб борилаётган амалий машғулотлар ўқувчиларнинг ўтмишни англашларида катта сабоқ бўлмоқда. Уқувчилар давлат ҳисоби-

дан овқат, йил давомида кийим-кечак, ётоқхона билан таъминланган. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири ўқитувчилари машғулотларни олиб боришади.

Шарқшунослик олийгоҳидан профессор Баҳодир Саримсоқов, Низомий номли муаллимлар тайёрлаш олийгоҳидан дотсент Файзулла Набиев, санъатшуносликдан Норсаид Ойдинов, адабиётдан Тоҳир Шермуро-

Мана сиз янги типдаги бир мактаб ҳаёти билан қисқача танишдингиз. Хоналарнинг жиҳозлар билан тўлиқлиги, замонавий компютерлар бисёрлиги, китоблару лингофонлар етарлиги... Яна кўп нарсалар ҳақида ёзиш мумкин... Энг муҳими Нафис санъат мактабида нафислик устивор. Уқувчилар билимга чанқоқ. Дарвоқе, уларнинг аксарияти ижодкор: Дилфуза Шодиевона 1976 йилда туғилган. Қашқадарёлик, одобли қиз.

«НАВОСОЗ УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ БЎЛ...»



АЛИШЕР НАВОЙИ ҚАБРИ (АФҒОНИСТОН).

Суратчи: Т. ТОЙЛОҚОВ

дов каби домлалар сабоқ берадилар.

Мактаб директори Сўнмас Султонов—тарихчи, 47 ёшда. Икки ўғил, бир қизнинг отаси. Қувноқ ва дилкашлиги бор. Урни келганда қаттиққўл устоз.

— Илм олишда болаларга эркинлик беришимиз керак,— дейди у.— Менимча, инсон камолоти, юрт тараққиётининг асоси эркинликдир. Болалар фикрини, дунёқарашини синадирмаслигимиз, уларнинг тушунчаларини тинглашимиз зурур. Токи истеъодлар эътиборсиз қолиб кетмасин.

Мактабда ҳар икки чоракда синов ўтказилиб, 11-синфни битирувчилар «Диплом иши» ёзишар экан. Битириш имтиҳонлари олийгоҳлар талабига тенглаштирилган. «Аъло» баҳога топширган ўқувчилар истаган олийгоҳларининг талабаси бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳатто айрим билгир ўқувчилар хорижий мамлакатларга ҳам ўқишга юборилади.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган. Яқинда Дилфузага омад кулиб боқди. «Насаф» нашриётида «Хабарчи турналар» номли илк китобчаси 10000 нусхада чоп этилди.

Дилфуза ҳам шу мактаб толибаси. Яна шеър, пиеса, фантастик ҳикоялар ёзувчи Самариддин Жўраев, катта шеърят томон бораётган Алимардон Ҳайитов, қувноқ тўртликлар битаятган Оллоёр Бобоновлар ҳам шу даргоҳ ёшлари.

Булардан эртанги куннинг Навоийси, Нодирабегимлари Беҳзоду Монийлари етишиб чиқса не тонг.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг қуйидаги сатри Нафис санъат мактаби ўқувчиларига аталгандек, назаримда:

«Навосоз улуснинг навобахши бўл...»

Алишер ШОЙИМ
«Оила ва жамият» муҳбири

«МУТАФАККИР ШОИР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Авалло, шаклнинг ички қисмидаги таърифланган сўзларни топиб, машқни ҳал этинг.

Айланалар бўйича:

1. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг бош қаҳрамонларидан бири.
2. «Алишер Навоий» тарихий филмида шоир сиймосини яратган санъаткор.
3. Навоий яшаган шаҳарлардан бири.
4. Алишер Навоий закондоши, машҳур тарихчи.
5. Навоий газали билан ижро этиладиган машҳур мумтоз ашула.
6. Навоий достони асосида «Дилором» мусиқали саҳна асарини ёзган ўзбек бастакори.

Ёйлар бўйича: 7. Навоий «Хамса»сидаги бош қаҳрамонлардан бири.
8. Шеърнинг тўпلام наشري.
9. Навоийнинг шоҳ асари.
10. Шоир тахаллусларидан бири.
11. Навоийнинг ўзига устоз ҳисоблаган ўзбек шоири, саркарда ва давлат арбоби.
12. «Қаро кўзум»... сўзлари билан бошланувчи мумтоз кўшиқ.

ИККИНЧИ ЖУМБОҚ

Алишер Навоий ҳикматларидаги рақамлар билан ифодаланган қуйидаги сўзларни топиб, очкични ҳал этинг. Бир хил рақамлар, бир хил ҳарфларни аналатади.

1. Оз-оз ўрғаниб 13, 17, 4, 17. бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

2. Айтур сўзини айт-айтмас сўздан 10, 1, 6, 12.

3. Ҳақ айлинди ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас анинг ҳаққин адо юз 7, 1, 4, 18. ила.

4. Кимки, улурғоқ—анга 14, 2, 15, 9, 1, 12 керак,
Кимки, кичикроқ—анга шафқат керак.

5. Бошни фидо 10, 2, 3, 5, 2, 3. ато бошига.
Жисми қил садқа ано қошига.

6. Кайси кўнгуллики макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаъла 8, 17, 4, этти ишқ.

7. Илмдин касб қилки, суд эрмас,
16, 1, 11, 14, мушкулларини ҳал қилмоқ.

Лекин ул илм доғи нафъ эрмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очкич жавобларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштиринг. Бунда мутафаккир шоирнинг яна бир ҳикматли сўзлари аён бўлади.



Фозилжон ОРИПОВ тузган

Одам бошига не кунлар тушмайди. Мана, беш йил бўляптики, Тошлоқ туманининг Кўргонча қишлоғида яшовчи Муҳаммадғулом Халлилов ва унинг умр йўлдоши Юлдузхонларнинг ташвишлари бир олам. Улар фарзандлари Сардорбек туғилганда ҳайратдан ёқа ушлашиб, Чақалоққа эт битмаган эди. Ота-онанинг Сардорбекни кўрсатмаган шифоналари қолмади. Туман ҳокимлиги томонидан чақалоқни даволатиш учун зарур ёрдамлар кўрсатилди. Лекин

ми очилди. Мурувватли инсонлар унга боланинг соғайиши учун маблағ ўтказмоқдалар. Бундан болалар ҳам четда қолишмаётгани айқ. Ўзбекистон Телерадио компанияси қошидаги «Булбулча» болалар дастасининг яқкаҳон хонандаси, Тошкентдаги Глиэр номидаги махсус мўзика интернати ўқувчиси Иқболжон Усмонов ҳам ана шундай меҳр оқибатли болалардан экан. У Сардорбек тезроқ даволанишини истаб, ўзи тўплаган 175 сўм пулни № 3633, Тошлоқ омонат кас-

• САРДОР • СОҒАЙИБ КЕТАДИ

Сардорбек беш ёшга тўляптики, ҳамон салафан қоп ичиде яшамоқда. Эт битмас бадан қичишади, бола қатиб қонатиб юбормасин деб отаона тунларни бедор ўтказишмоқда. Юқори малакали шифокорларнинг фикрича, болани Ўзбекистон шароитида даволаб бўлмас эмши. У фақат Швециядаги шифо топиши мумкин экан. Аммо, чет элга бориш учун маблағ керак. Сардорбекнинг отаси Муҳаммадғуломнинг ҳам ногўройлигини ҳисобга олсак, бунга имконият айқ десак ҳам бўлар.

Тошлоқ омонат кассасида Сардорбек учун ҳисоб рақа-

саси, Б Н — 220 ҳисоб рақамига топширди.

— Сардорбек тўғрисида эшитиб, юрагим ачишди,— дейди Иқболжон. — Мен ҳам шу туман фарзандиман. Сардор тезроқ соғайишини иштайман. Шунинг учун оз бўлса ҳам тўплаган пулмини омонат кассасига ўтказдим.

Тўдақнинг аянчли тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак, Иқболжон сингари мурувватли кишилар кўп. Улар ҳам ёрдам қўлини чўзишлариға шиномиз. Азоб чекаётган тўдақнинг мунгли кўзлари сизга интизор, азизлар!

Неъмат РАХИМ

АБДУҒАФФОР НОРМАНОВ:

РАҚОБАТ ЭМАС, ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Абдуғаффор Норманов ТошДД математика факултетининг геометрия ва топология кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди. Америка математика жамияти ҳамда Ўзбекистон математика жамиятининг аъзоси. Инглиз тилини талабалик йилларида яхши ўрганган. Англияда ишлаган. Санкт-Петербургдаги математика-механика факултетини битирган. Уч фарзанднинг отаси.



— Абдуғаффор ака, сиз Англияда ишлаган вақтингизда инглизлар ҳаёти билан яхшигина танишган экансиз. Уларнинг қандай фазилатлари сизга маъқул келди!

— Инглизлар ҳам биздагидек ҳафтада беш кун ишлайдилар. Шанба, якшанба дам олиш кунлари. Улар бу кунларда дўкондан озик-овқат маҳсулотларини харид қилишади. Чунки кўпроқ оладиган бўлсангиз дўкон арзонга беради. Дам олиш кунларида меҳмон қақриш ёки меҳмонга боришни ҳам хуш кўришади. Қақрийдиган меҳмонларини бирор ҳафта олдин огоҳлантириб қўйишади. Меҳмонга албатта бирор эсдалик совға олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Менга жуда маъқул келгани инглизлар ҳамма халқларнинг урф-одатига, маданиятига ҳурмат билан қарашади. Сиз у ерда деярли барча китъадан келган одамларни ўз миллий кийимларида кўришингиз мумкин. Шаҳарларида мусулмонлар учун масжидлар ҳам анчагина. Агар санайверсак яхши нарсалари кўп.

— Инглизлар биз жаҳонга маданият тарқатганмиз дейишни хуш кўришаркан, шу тўғрими!

— Йўқ. Тарихдан маълумки, бир пайтлар инглизлар кўпгина мамлакатларни мустамлакаларига айлантириб, Буюк Британия империясини вужудга келтирганлар. Бу империя таркибидagi халқлар инглиз тили ва маданияти орқали жаҳон маданияти билан танишганлар. Шунинг учун инглизлар жаҳонга цивилизация (маданият эмас!) тарқатишга маълум рол ўйнаганликларини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Мен улар билан яқинроқ танишиш мақсадида бир ўқитувчининг уйда ижарада турганим. Уларнинг сўхбатларида кўп марта қатнашиб, юқорида айтганларимга амин бўлганман.

— Улардаги ўқитиш системаси билан ҳам таниш бўлсангиз керак!

— Уз соҳам бўлгани учинми, уй соҳиби билан бир неча маротаба у ишлайдиган мактабга бориб, ўқитиш иши билан танишганман. Англияда давлат мактаблари ҳам, хусусий мактаблар ҳам бор. Давлат мактаблари икки босқичдан иборат. Биринчи босқич саккиз йил, иккинчиси икки йил.

Мактабда ҳар бир фан бўйича катта ўқитувчи бор. Бу ўқитувчи шу фаннинг ўқитилиши ва ўқитувчиларнинг малакаси учун жавобгар шахс.

Инглиз мактабларининг биздаги мактаблардан фарқи шуки, уларда ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндошиш мавжуд. Бир синфдаги болалар (синфда ўттизта бола бўлади) тенг вақт ичида бир хил темани ўзлаштириши шарт эмас. Улар қобилиятига қараб гуруҳларга бўлинадилар. Битта темани ўрганаётганига қарамасдан гуруҳлар кийинлиги ҳар хил даражада бўлган масалаларни ечишади. Ўқув дарсликлари ҳам шунга мос тузилган. Ўқувчи ўзига тегишли вазифани бажаргач, ўқитувчига кўрсатади. Ўқитувчи бажарилган вазифага белги қўйиб, навбатдагисини беради.

Менимча, инглиз мактабларининг яхши томонларидан яна бири ўқувчига баҳо қўймасликдир. Бу нарса жуда аҳамиятли. Биринчидан, ўқувчи «яхши» ва «ёмонга» акратилмайди. Ҳамма тенг. Ўқувчилар бир-бирининг олдида баҳом паст ё юқори дея олмайдилар. Иккинчидан, болалар баҳо учун ўқимасдан, маълум бир фанни ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Натижа эса жуда яхши бўлади. Синфда рақобат эмас, ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Дарсда бола ўз ихтиёрига қўйилади. Улар синфда бир-бирининг олдига бориши, гаплашиши ва муҳокамалар қилиши мумкин.

— Наҳотки шу нарсалар ҳам ижобий рол ўйнаса!..

— Албатта. Бизда 45 минутлик дарс кўпчилик болаларга ҳеч нарса бермайди, берса ҳам тезда унитилади. Чунки бола мустақил ишлагани йўқ. Мен айтаётган системада эса бола мустақил ишлашга мажбур. Биздагидек тушунса-тушунмаса доскадаги нарсани кўчирмайди.

— Бирорта баҳо олмасдан мактабни тугатиб кетаверишадими!

— Юқорида айтганларим саккизинчи синфгача. Саккизинчи синфни тугатгач, ўзининг истаги ва оиласининг имкониятларига қараб, ўқишни давом эттириши мумкин. Ўқишни давом эттирадиган бўлса, икки йил давомида ўзи хоҳлаган фанларнигина ўрганади. Бу икки йил давомида беш балли системада баҳо қўйилади. Баҳо ҳарфлар билан белгиланади.

Икки йил давомида ўқувчи ўзи хоҳлаган олий ўқув юртининг кириш имтиҳонларига тайёрланади. Агар математика факултетига кирмоқчи бўлса, математика ва физика фанларини ўрганади. Иккинчи ўқув йилининг охирида ўқувчи математика ва физикадан ёзма иш ёзиб, таълим министрилигига юборади. Махсус комиссия ишни тек-

шириб, баҳолаб, мактабга қайтаради.

— Демак, уларда биздагидек югур-югур, ҳужжат тўплаш йўқ эканда!

— Барча олий ўқув юртлири газетларда ўзларининг кириш балларини эълон қилиб боришади. Натижада ўқувчи олийгоҳга бормасдан, ўзининг қабул қилиниши ёки қилинмаслигини билиб олади.



А. НОРМАНОВ МАШҒУЛОТ ПАЙТИДА

Фараз қилайлик, у ўзи танлаган дорилфунунга кириши учун физикадан баҳоси тўғри келмади. Математикадан эса баҳоси яхши. Хоҳласа физикани ўрганишни давом эттириб, кейинги йил фақат физикадан имтиҳон топширади. Қабул қилишда бир йил олдинги математикадан топширган имтиҳон натижаси ва бу йилги физикадан имтиҳон натижаси қўшиб ҳисобланади.

Қарабсизки, ўртада ҳеч қанақа таниш-билишсиз бола ўқишга қиради. Натижа ажойиб! Бир неча йилдан сўнг иқтидорли мутахассис

етишиб чиқади.

— Бизда ўқувчиларда ўқиш, ўқитувчиларда ўқитишга қизиқиш ниҳоятда бўш. Балки мактаблар хусусийлаштирилса қизиқиш ортар! — Шахсан мен ҳамма мактабларни хусусийлаштиришга қаршиман. Чунки ҳар бир кишининг билим олиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши керак. Бизда давлат мактаблари билан бир қатор-

— Факултетда қанча хо-размлик талаба борлиги менга номаълум. Лекин бу вилоятда бир неча ажойиб физика-математика мактаблари борлигини биламан. Бу мактабларнинг ўқув режалари бизнинг факултетимиз билан биргаликда тузилиб, илмий кенгашда тасдиқланади. Бундай мактабларни ҳамма вилоятларда очиб керак. Бу иш учун дорилфунун математиклари қўлимиздан келадиган ҳамма ёрдамимизни аяммаймиз.

— Сиз Америка математика жамиятига аъзо экансиз. Бу қандай жамият! Сизнинг қиладиган вазифангиз нималардан иборат!

— Америка математика жамияти 1888 йил ташкил этилган. Бир неча мақоаларим Америка журналларида чоп этилгач, бу жамиятдан аъзо бўлиш ҳақида таклифнома олдим. 1988 йилдан шу жамият аъзосиман. Унинг асосий вазифаси Америкада ва бутун дунёда математика бўйича қилинаётган ишларга ёрдам бериш, илмий журналлар чоп эттириш, анжуманлар ўтказишдир. Мен шу жамият аъзоси сифатида улар юборган илмий ишлар, мақоалаларга тақризлар ёзмаман ва илмий хабарлар жўнатиб тураман. Уз навбатда улар янги дарсликлар, мақоалаларни мунтазам равишда (ҳар ойда) юбориб туришади!

1991 йил бизда ҳам Ўзбекистон математика жамияти ташкил этилди. Унинг президенти қилиб академигимиз Т. Саримсоқов сайланди. Математика фанининг ривожига бу жамият албатта ўз ҳиссасини қўшади деб ўйлайман.

Ботир ЭРНАЗАР
сўхбатлашди



Уза сурати

«Оила ва жамият» 5 (76)

Бир куни ёши йигирма олтидан ўтиб, кечроқ уйланган, бунинг устига Оллоҳнинг иродаси туфайли уч йилдан бери фарзанд кўрмаётган оғайним билан суҳбатлашиб қолдик. Гапимиз не хусусда кетса ҳам қаминга иложи бори-ча оила, фарзанд мавзусидан эҳтиёт бўлиб, гапни чалғитишга ҳаракат қилардим. Андишам боисини муҳтарам ўқувчи англаётган бўлса керак деган илинждаман. Хуллас, кеч кириб,

га Оллоҳдан фарзанд ато этишини сўрашни одат қилдим. Кейинроқ фотухамизга саккиз йилдан буён бифарзанд бўлган бошқа бир қариндошимизнинг ҳам номи қўшилди. Яратганга минг-минг шукрлар ва ҳамду санолар бўлсинки, орадан бир йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, иккиси ҳам фарзандли бўлишди. Балки бунга бизлар бутунлай алоқасиздирмиз. Балки вақти соати ўша пайтга белгиланган-

БИР ЖУФТ ОЛМА

ЕХУД

ПИНХОНА ДУОНИГ ХОСИЯТИ


қоронғу тушгач, мен кетишга чоғландим. Ҳарчанд кўнмасам-да мени уйим-гача кузатиб қўймоқчи бўлди. Уйга келгач, катта ўғлимни чаққириб, иккита олма олиб чиқишини буюрдим. Ўзбекчилик эмасми, дўстимни қуруқ қайтаргани келмади. Тўрт ярим яшар норасидам олмани обчиқиб меҳмонга тутди. Менинг соддадиллик билан қилган қалта ўйлашимдан унинг ўқисик қалбига озор етдими ёхуд кичкинагина болакайнинг меҳридан эриб кетдими, билмадим, ҳар тугул ўғлимни бағрига босганча узоқ туриб қолди. Ёшқаларининг беозор, билинар-билинар билганишидан билдимки, — у йилларди. Бейхитёр менинг ҳам кўзларимга ёш келди. Аммо дўстимга бирор нима дейишга ожизлик қилдим. Дўстим ўғлимга олмани албатта келин аяси билан бирга ейишини айтди, уйига кетди. Балки у ирим қилган-дир? Эҳтимол беуноҳ болакайнинг меҳри орқали Оллоҳдан фарзанд сўрамоқчи бўлиб умидланган-дир!..

Уша кеч анча маҳалгача ўй суриб етдим, дўстимга дил-дилдан ачиндим. Ушанда жаноби Пайгамбаримиз саллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадислари едимга тушди. Унда айтилганча, бирор киши ўз дўстига ундан пинхона Оллоҳдан бир нима сўраса, албатта ижобат бўлиши айтилганди. Менинг кўнлимга шу ҳадис умид бағишлади. Эртаси кундан бошлаб ҳар кеч кечки танавулдан сўнг дастурхонга фотуха ўқилганда, ҳар пайшанбада ўтган-кетганларни хотирлаб улуғ каломлардан тиловат қилганда болаларим билан бирга дўстим-

дир. Аммо дуоларингиз ижобат бўлиб, бирор яқин кишингизга яхшилик тегиши буюк ҳузур экан. Ва энг муҳими хонадони мазор сукунатида бўлган икки оиланинг бағри чақалоқ йиғисига тўлди.

Ҳа, фарзандсизлик таърифсиз мусибат. Ҳар қандай янги оила қурган ёш келин-қўев аввалига бир-бирларининг гўзалликларига, висолнинг тоғли онларига маҳлиё бўлиб, бир йил ўтганини ҳам билмай қолади. Агар бир йилдан сўнг, айниқса, ўзбек оилаларида фарзанд туғилмаса, оиладан завқу шавқ, файз кета бошлайди. Дилларга пинхоний хижиллик ин қуради. Ахир ўйланг, эр-хотин ўртасида шу бир йилдан зиёд вақт мобайнида гапирзулик вақт ҳам қолмайди. Энди уларга Илоҳнинг бошқа «эрмаси» керак. Иссиқ овқату иссиқ чой бўғизидан муздек ўтади. Хонадони хувиллаб, деворлар қисиб кела бошлайди. Айниқса, икки фарзандталабнинг нигоҳи бир-бирига тўқнашгандаги ҳолатни тасвирдашга қалам ожиз.

Ўкинч, умидсизлик, ҳадиксираш, газаб, ноҳуси ҳайлар қоришиб кетади. Қўйингки, бу кунни ҳеч банданинг бошига солмасин. Яқинда ёши эликка бориб қолган бир киши умр бўйи қилган илтижолари Оллоҳга етиб, фарзандли бўлди. Энди унинг етсанглиги-ю бахтдан еру кўкка сиғмаганини кўринг. Бейхитёр сиз ҳам қувониб кетасиз. Лекин кўп ўтмай одамлар орасида турли бўлмағур миш-мишлар оралаб қолди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас, деганларидек, унинг аёли ҳақида ҳақоратмўз



Суратчи: А. ТУРАЕВ

гаплар тарқалди. Одамлар нақадар бешафқат-а?! Ахир у бечора ўша дилбандани неча йллаб кутган-а! Қанча-қанча умидсиз, уйқусиз тунларни ўтказган. Наҳотки бировларнинг шундай буюк бахтидан қувонолмасак?! Унда инсонлигимиз қайга борди? Балки ўша кишининг яхши дўстлари унга Яратгандан фарзанд сўраб, бир умр дуо қилиб ўтишгандир. Наҳотки яхшиликни яхшилик билан ўлчаб бўлмасал!..

Уйқудаги эрига тикилиб, тун билан йилгаб чиққан бифарзанд аёлининг аҳволини кўз олдимга келтираман.

Ичиб келиб, аёлига «қачон бола туғасан?» дея оҳ ураётган эрларни ўйлайман. Бу таърифсиз азобларни ҳатто душманамга ҳам раво кўрмайдим. Демак, одамзотни бир-бирига боғлаб, дунёни тутиб турган нарса фарзанд экан. Шундай экан, келинг, жимгина дуога қўл ойнайлик:

— Омин! Эй, ўн саккиз минг оламнинг сарвари Тангрим, барча фарзандталаб дўстларимизга ўзининг улуғ марҳаматини кўрсат. Оллоҳу акбар!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Бу ўтган асрдан қолган бир ривоят. Ривоятки, тўқиб-бичилмаган, балки аслида воқе бўлган ибратомуз ривоят.

... Сурхондарёнинг бир гўшасида хийла-найранг мактабини пухта, бекам-кўст ўтаган бир кампир (ким билади, балки навқирон бир аёлдир) яқинда куёвга узатган қизига шундай «сабоқ» берибди:

— Қизим-а, минбаъд ёдингда бўлсин, агар нон қилар бўлсанг, ўрни пешайвонда элагин. Ана шунда элаётган ўнингнинг ярмиси супрага тўшса, ярмиси шамолга совурилади. Рўзгорингдаги қолган бошқа ишларни ҳам шу тарихи баҳаришни ўзинга одат қилиб ол. Шовша, шовша, «нимма учун шундай кишимиз керак!» деб мени қистама. Бу — қаттиқ ёнғоқ лекин яхшилаб қансанг, ичидаги мағзи тўқ ва шириндир. Мақсадим, токи эрининг бири икки бўлмасин, токи бой-бадавлат бўлиб, сендан тили устун бўлмасин, токи давлат-иззати зиёда бўлиб, кўнгли яна уйланишни ихтиёр қилмасин. Бунинг сенга айтдим, сен ҳам вақти замони келиб фарзандли бўлиб, уни улаётгирсанг, бу гапларимни қизларингнинг қулоғига ҳам қуйгин.

«Аллома» аёлининг сабоқлари бениқсон эди. Бу сабоқлар бир рўзгор мисолида, бир эрик қисматида чиндан-да, кутилмаган мевасини берди. Бахти қаро эрининг, шўрига шўрва тўкилган эрининг умр бўйи касоси оқармагани, бири икки бўлмагани син-

гари тили ҳам узун бўлмади. Балки йуригини топиб йўлини қилиб қайта уйланишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасдан умрини адо қилди. Хотини ҳам эридан баттар кўнларга қолди. Умрининг сўнги дақиқаларигача армонда яшади. Бу хийлакор кампирнинг берган сабоқлари меваси эди...

АЁЛНИНГ ТАДБИРИ

Ўтган асрнинг ибрати, доно сабоғи бу. Бир тоғли қишлоқда эр-хотин камбағалчиликда кун кечиршиаркан. Уларнинг бугун топганлари эртасига етмай, оғир аҳволда қолишибди. Ортларидан мудом соядек эргашиб юрадиган қашшоқликдан жуда-жуда безор бўлишибди. Ортиқ бундай яшаб бўлмаслигини батамом англаб етган эр ҳам, хотин ҳам тадбир топмоққа киришибдилар. Эр тоғларни шомларга улаб ишлади. Аёли эса бир нарса ни эҳтиётлаб ишлади, эрининг топиб келганларидан тежаб-тергаб фойдаланди. Барибир дунёдаги энг оғир

БЕНУҚСОН ТАҲСИЛНИНГ МЕВАЛАРИ

арава — рўзгор уларни бир қадар шошириб қўйган эди. Баногоҳ яна шундай кунларнинг бирида аёлининг кўнгли бир фикр келди ва бу фикрдан негадир бирдан кўнгли ёришди. У ҳар куни эрталаб қора моллар кандасиз ўтиб турадиган йўлининг чеккасидаги шох-шаббаларга, буталарга илашиб қоладиган эчки, қўй жунини йиғишга тушди. Балки ўйлаётгандирсиз: бирпасда бир кило, икки килони тўплаб олгандир деб. Йўқ, меҳнаткаш бу аёл мисқоллаб йиғди, ой-кунлар ўтиб анча жун тўпланиб қолди. Кейин эса аёл жунини яхшилаб ювди, офтобга ёйиб қуритди. Сўнгра учруқ билан йиғирди. Ранг топиб калавани бўяди, кейин эса умрак қуриб ажойиб хуржун тўқиди. Узиям хуржунимсан, хуржун бўлди. Эри аёлининг бир минг машаққат билан тўқиган хуржунини бозорга олиб борди, яхши молнинг харидори ҳам кўп бўларкан, яхшигина пулга сотди. Пулни кимсасига урдида, зшагига миниб уйига қайтди. Қишлоққа келгач, бир бойдан биттагина улоқча сотиб олди. Бундан эр-хотин баб-ба-

равар севишишди. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, уни подага қўшдилар. Вақт ўтиб улоқча каттарди, битта эди, иккита бўлди, сўнгра саккизта бўлди... Ва шундай қилиб, эчки-улоқлар галаси вуқудга келди.

Эр-хотин ана шу молларнинг орқасидан рўзгорни тиклашди, фарзандларини уйли-жойли қилишди. Уйда сутқатик, ёғ, гўшт, тери, жун сероб бўлди. Алқисса, улар қишлоқнинг бадавлат кишиларни қаторига қўшилдилар.

... Мабодо давомини эшитгингиз келмайтими! Агар билсангиз, ана шу тоғли эр-хотиннинг авлодлари ҳозир Сурхондарёнинг бир чеккасидаги қишлоқда ўзларига тўқ топармон-тутармон бўлиб яшайдилар. Бирлари ҳунарманд, бирлари чорвадор, бирлари эса боғбон. Уларга ота-боболаридан, момоларидан нанкин бир ховуч давлат, балки ҳар қандай моддий бойликдан, мол-мулкдан-да ортиқ бўлган сабоқ ҳам қолган.

Маҳмуд АБУЛҒАЙ



ОҚ ТАНЛИ НЕГРНИНГ ДОВРУҒИ

Қўлимдан келса-ю, шу бугуноқ вақтни бир жойда «таққа» тўхтатиб ташласам. Омади чопиб катта шон-шўхратга эга бўлганларнинг доврўғи ҳамisha ўзи билан қолаверса. Бироқ, бунинг иложи йўқ... Менинг бугуноғи сеvimли қаҳрамоним — дунёнинг таниқли футболчиси Рууд Гуллит ҳам бир кунмас, бир кун истаса, истамаса чемпионлар оқимининг киргоғига қолиб кетаверади. Алам қилади-я, кишига, бугун сени кафтида кўтариб юришга тайёр турган банданинг эртага сен билан қиладиган «киши» ҳам бўлмайди. Унутилиб кетасан. Ҳаётнинг бундан-да бешафқат азоби йўқдир-ов.

Йўқ, Гуллитнинг бошига бундай кўргиликнинг тушушига ҳали анча эрта. У эндигина 30 га етди. Олдинда яна қанчалар сафарлар, чемпионатлар, жароҳатлар, голлар бор. Худо хоҳласа Рууд сираям қаримайди...

Рууд Гуллит 1962 йилнинг 1 сентябрида Амстердам шаҳрида туғилган. Отаси асли Суринамлик. Онаси эса кишлоқда туғилиб Амстердамга иш излаб келган ва шу ерда турмушга чиққан. Уларнинг оиласида ҳамisha иқтисодий қийинчилик бўлган. Ҳали у нарса, ҳали бу нарса етишмасди. Шунинг учун Гуллит қаерда бўлмасин адолатсиз-

лик ва ноҳақликка сира тоқат қила олмайди. Саккиз ёшга кирганда уни отаси «Мейрребо» ўсмирлар футбол мактабига олиб боради. Худди мана шу ерда унинг футболдаги дастлабки кунлари бошланган. Ҳозир бўйи 186 см, оғирлиги 85 кг. Югуришда 100 метр масофага 10 секундда етиб келади. Рууд футбол ўйнаш билан бирга давлат ишлари билан ҳам қизиқади. Сиёсатга тез-тез аралашиб туради. Бироқ, италияда ҳозир унга бу борада тўсқинлик қилишмоқда. Нима бўлганда ҳам профессионал футболчи-да, «бошқа ишларга вақт сарфлашнинг асло мумкин эмас», дейишмоқда. Рууд Гуллит бўш вақтларида замонавий эстрада мусиқаси билан шуғулланишни хуш кўради. Бас-гитара чалиб кўшиқ айтади, куй басталайди. У Голландия кўшиқчилари конкурсининг бир неча бор ғолиби «Рейвельштейн тайм» ансамблининг аъзоси ҳамдир. Энг қизиғи шуки, Гуллит аскияга жуда ўч. «Ҳаётнинг ўзи аския» деган фалсафага амал қилиб яшайди. Маҳоратига келсак майдонда тинимсиз ҳаракат қилади. Унг ва чап оёқлари билан бирдек ўйнайди. Юқоридан келётган тўпни ҳар қандай вазиятда ҳам боши билан дарвозага йўллашга уста. 11 метрли жарима

тўпларини тегишда ҳеч-ҳеч адашмайди. Узоқ масофадан ҳам тўғри ва аниқ тепади.

1978 йилда Гуллитни Голландия чемпионатида қатнашаётган «Аякс» клубига таклиф қилишди. Эндигина ҳаётининг 16 баҳорини қаршилаётган бу футболчи узоқ ўйлаб кўриб таклифга кўнмайди. Жавоби сўралганда «Катта футболни бутун жаҳонга машҳур бундай жамоадан бошлашни истамайман» деган гапни қилди. «Аякс» 1971, 1972, 1973 йилларда Оврупа чемпионолари кубогини, 1972 йил Супер кубокни, 1987 йилда эса Оврупа кубок эгалари кубогини қўлга киритган. Гуллит «Аякс» да тўп суришни хоҳламаганлигининг яна бир сабаби жамоа мамлакатнинг шарқида жойлашган. У эса ғарбда яшарди. Йўл узоқ, ота-онасини ташлаб кетолмасди. Шундай қилиб, Рууд ўйинни «Хаарлем» клубидан бошлади. Маҳорати ошган сари уни бошқа жамоалар ҳам ўзларига қақриб кўрди. Шулардан бири «Фейноорд» эди. Бу вақтга келиб бутун Голландияга танилган Рууд Гуллит майдонда ўзини анча тўтиб олганди. Ниҳоят «Фейноорд»да ўйнашга розилик берди. Бу жамоа ҳам анча машҳур бўлиб, 1969 йилда мамлакат чемпиони бўлганди. 1970 йилда эса Оврупа чемпионолари кубогини, қитъа кубогини, 1974 йилда УЕФА кубогини қўлга киритганди. Рууд унинг сафига қўшилганда 20 ёшда эди. «Фейноорд»да янада шон-шўхратга бурканди, Голландия терма жамоаси сафига қўшилди, мамлакат чемпио-

бирида Гуллит Голландия ойнаи жаҳонига суҳбатга қақрилади. Бу ерда у оқ танли тележурналист қиз билан танишиб, уни севиб қолади ва ўйланади.

Гуллит «Эйндховен»да мамлакат чемпиони бўлгач, унга Италиянинг «Милан» клуби бош мураббийси номидан таклифнома келади ва 7,5 миллион долларга шартнома тузилади. Италияда ҳам бу таниқли футболчи тезда ишқибозлар меҳрини қозонади. Мухлислар орасида «Рууд Гуллитга фақат Диего Марадона қарши ўйнай олади», деган шов-шувнинг тарқалиши ҳам бежиз эмас. «Милан»нинг бош мураббийси Арриго Сааки Гуллитга қуйидагича таъриф беради: — Агар у майдонда сезги билан эмас, таҳлил билан ўйнаганда эди, бугунгидан ҳам ортиқча шон-шўхратга эга бўларди.

Рууднинг жавоби: — Борди-ю таҳлил билан ўйнаганимда ҳамisha тўпга кеч қолардим. Мана шу қисқагина баҳсдан ҳам билиниб турибдики, Рууд Гуллитнинг ўзлигини белгилайдиган яна бир муҳим томони унинг ёқимтой ўжарлигидир.

Менимча кўпчилик ишқибозлар Рууднинг қайси ирққа мансублигини яхши билмасалар керак. Рууд оқ танли бўлса-да, ўзини ҳақиқий негр деб атайди. Бироқ, унинг ишқибозлари сафида оқ танлилари кўпроқ. Кийинишда, ўзини туттишда, хаттоки соч ўстиришда ҳам Руудга тақлид қиладиганлар Оврупада кўпчиликни ташкил этади. Қизлар ўртасида у сингари соч ўстиришга қизиқувчи «Гуллитаманиячи»лар гуруҳи мавжуд.

Голландия футболда бошқа мамлакатларга қараганда анча илгарилар кетган давлат. 1970 йилларда улар жаҳон чемпионатининг финалига икки марта етиб келганди. Аммо иккаласида ҳам ютилиб, кумуш медал билан қолишган. Уша пайтларда мамлакат шарафини Несекенс, Кролл, Круифф Ренсенбренг сингари «юлдузлар» ҳимоя қилган бўлса, 1980, 1990 йилларга келиб уларнинг ўрнини Марко ван Бастен, Франк Рейкард, Рональд Куман, Рууд Гуллит каби ўринбосарлар эгалладилар. 1987 йилда Рууд Гуллитга жаҳон футбол юлдузларига бериладиган «олтин тўп» соврини берилди. Англияда чиқадиган «Орлд соккер» ойнамасининг миллионлаб ўқувчилари уни йилнинг дунёдаги энг кучли футболчиси деб кўрсатишди. Бу номга у 1989 йил 2 марта мушарраф бўлди. Рууд ўйнайдиган Италиянинг «Милан» жамоаси 1989 йилда дунёдаги энг маҳоратли жамоа деб тан олинди. Гуллит унинг сафида икки марта Оврупа чемпионолари кубогини, бир марта Супер кубокни қўлга киритди. 1988 йилда Оврупа чемпиони бўлди.

Гуллитнинг ҳали спортдан умиди катта. У кўпроқ пул тўплаб, Ватанига қайтгач, болалар футбол мактабини очиб ниятида. Бунинг учун имконият етарли албатта. «Юлдуз»нинг Италиядаги бир ойлик даромади ҳозир 3 миллион маркани ташкил этмоқда.

Нормурод МУСОМОВ
тайёрлади

Бош муҳаррир:
Абдухашим
ИРИСБЎЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Едаҳон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА

Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР
(масъул котиб),

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОВЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
УЗБЕК
Асқар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОКУЛОВ

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИК
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
«Хитой»-давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»

дон ҳақсўлотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Навоийшлар
хўбони,
1-бнок.
Телефон:
39-43-95
Обуна
индекси 64654
Бюуртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри
41960 НУСХАДА
ЧОП ЭТИЛДИ

АФСОНАЛАРГА МУЯССАР БЎЛГАН...

Тақдир ҳаммамизга ҳам бундай шов-шувли ҳаётни, шон-шухратни ато қилавермайди. Узининг ноёб қобилияти билан тилга тушган пайтда ҳали мактаб ўқувчиси эди. Инсон танасига тажовуз қиладиган турли-туман касалликларнинг номлашишни билмасди. Лекин, танадаги пинҳон хасталикни бехато топар, унга нажот бахш эта оларди...

Уни — мактаб ўқувчисини Масков олимлари сивовдан ўтказишган, япон мутахассислари энг замонавий ускуналари ёрдамида мўъжизакор бармоқларидаги сеҳрли кучни — бионурнинг қувватини аниқлашган.

Тақдир уни жаҳонга машҳур табиб аёл Жуна билан юз-ма-юз келтирди. Биз бугун турғунлик йиллари деб ёзишга одатланган даврда бундай ношаро қобилият тан олинмаган; буни на қонун, на динсизлар тарбиялаётган ғоя ва на каттақонлар ҳазм қилишарди. Улар учун халқ табибати шарқнинг эски чўпчаги эди.

Уша даврларда бу қизчанинг мўъжизакор бармоқлари не-не қазоларга шифо бахш этмаган. Улар орасида даврнинг бутун бир «элитаси» — Олтин-Юлдуз таққан қаҳрамонлар, зар погонли генераллар, фирқа раҳнамолари бор эдилар...

Табиб қиз хотирининг бутун бир қомуси жамланган... Шўро матбуоти у ҳақда кўп ва хўп ёзган. Саксонинчи йиллар ўргаларида уни обдон мақташди. Орадан сал ўтмай раддия беришди. Уни фирқанинг боши матбуоти қайта ҳимоя қилди. Уша пайтдаги «отахон» нашргада раддия берадиган кучлар топилди. Уни ойнаи жаҳон ташвиқ қилди. Кўп ўтмай ўз сўзини «қайтиб олди».

Кейин ошкоралик даври келди, қадрлиглар ҳақида гапирила бошланди. Ёшлар рўзномаси у ҳақда бир саҳифа мақола ёритади. Кейин... республикамизда айнан шундай қобилият эгаларига йўл очилади. Экстросенслар уюшмаси тўзилади. Бу орада экстросенслар бодроқдек кўпайиб кетади...

Уларнинг энг биринчиси, йўлбошловчиси, энг кўп таъйиқ ва тўхматларга, таъқиқлашларга ва кейинча шон-шухратга буркангани — урганчлик Муяссар Шарипова бир замон саҳнадан тушиб қолади. Гўё шундай. Аслида эса у ўз ишини давом қилдираверди, ҳузурига шифо истаб келганларга имкони борича мадад берди, минг-миглаб кўнчиларга умид бахш этди, неча бандаларни ҳаётга қайтарди, мажруҳларни оёққа турғизди, тилсизларга забон ато қилди...

Вақт эса ўтмоқда. Бу орада табиб қиз оилалик бўлди, фарзандлар кўрди. Ҳозирда ҳам Урганч шаҳрининг Богдан Хмельницкий кўчасидаги 9-уйга юртимизнинг турли бурчакларидан дардига даво излаб келаётганлар йўлаб, юзлаб топилади.

Номи афсонага айланиб, улгурган табиб қиз билан суҳбатимиз мавзуси фақат шулар ҳақидагина эмас.

— Ҳали мактабда ўқиб юрган пайтим тўсатдан хасталикка чалиниб қолганман. Дўхтирлар мени соғайиб кетмайди, деб узил-кесил хулоса чиқариб кўйишганди. Уша пайти улўғ авлиёларга кўл бердим, уларни тавоф қилдим. Мен вилоятдаги энг муқаддас қиблагохлардан бири — Шовотдаги Юсуф Ҳамадония ҳазратлари хилхонасини ҳар ҳафта зиёрат қиламан.

Урганч шаҳри яқинида Мушкулкушод биби қабростони бор. Беш йил муқаддам тушимда шу зоти табаррук қабри устига мақбара тиклашимни аён қилдилар. Уша пайти бунинг иложи йўқ эди. Утган йили баҳорда Баҳоваддин Нақшбандий ҳазратларининг холалари бўлмиш авлиё аёл қабри устида мақбара тиклатдик. Уша пайтдаги нарх-навода йигирма минг сўмлар сарф қилдик. Нодирахон билан икковимиз беморларни даволашдан тушган пуллар эвазига...



— Сўнгги пайтларда оламда рўй бераётган воқеалар хусусида башорат ҳам қилайти, деб эшитамиз...

— Бу янгилик эмас. Хасталикка чалинган ёшгина пайтим, касаллик хуруж қилган пайтлари ўз-ўзимдан «кун келади, дин асфалда турган чиқазгандек қайта яралади» деб қичқира эканман. Узимга келгач, айтган сўзларимни эсламаганман. Энг қизиғи, ҳали бу ёшимда мен «асфалт» нима, «куртак» нима билмаганман. Бу сўзларни мазмунини тушунмаганман. Узинига аён бўлган ҳисси, башоратни жиловлаб бўлмайди.

— Сиз давлатимизнинг эртанги кунни ёки тўғрироғи қийинчиликлар қачон барҳам топади, деб башорат қиласиз!

— Бу қийинчиликларни анча олдин айтганимда ҳеч ким ишонмаган. Дўконлардаги тўкин-сочинликни кўриб кўзлари пишган одамлар «Яқин йилларда менинг устимдан кулишганди... Мана кўриб турибсиз... Дарвоқе, давлатимизда иқтисодий танглик 1995 йилда тўла барҳам топади. Турмушимиз фаровонлашиб кетади.

— Сизнинг экстросенслар уюшмасига аъзо эмаслигингизни эшитиб, ҳайратим ошди. Ахир республикамизда расмий биринчи экстросенс сиз бўлмоғингиз керак. Бу нима келишмовчиликми!

— Бу уюшмага кимки пул тўласа ёки қисқа курсларни битказса дарров аъзо қилишади. Танасига темир ёки

бошқа жисм ёпишадиганлар ҳам шу уюшмага аъзо. Ҳатто уларнинг айримлари касалликларни даволашга даъвогар.

Мен тиббиёт ходимасиман. Хасталикларни ва уларнинг тизимини яхши биламан. Қолаверса, саксонинчи йиллар ўрталарида мени Масковдаги бир гуруҳ олимлар, тиббиёт мутахассислари сивовдан ўтказишган. Япон олимлари яратган қурилма орқали бионурим қувватини ўлчашган. Мен қўйган ташҳисларнинг тўқсон фоиздан ошиғи тўғри бўлиб чиққан. Бу ҳақда нуфузли комиссия ва етук олимлар имзоланган таъбат хулосаси бор қўлимда.

Пул топиш илинжида ёки шов-шув, замон русмларига учиб уюшмалар тузиш ва унга дуч келганлари қабул қилавериб нотўғри. Айнан шу боис бу уюшмага кирмадим.

— Муяссархон, биласизми ҳозир қийинроқ замон. Юртимизнинг у чексиздан қора тортиб келишининг ўзи бўлмайди. Йўл азоби дегандай. Бу сизнинг мухлисларингизни камайтириб юбормайди!

— Тўғри, водийдан Хоразмга келиб кетишининг ўзи бўлмайди. Шу боис ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб вилоятларга қичиб, беморларни доволай бошладим. Албатта таклифнома билан. Утган йил декабрида Қашқадарёдаги бир пахта тозалаш заводи жамоаси таклифи билан улар ҳузурда бўлдим. Шаҳрисабзда бир бемор хат тўнатган экан, уйига бориб давола-

дим. Тез кунларда эса яна сафарга отланяпман. Бу гал Қашқадарё Давлат Дорилфунундан таклиф тушган...

— Демак, хасталикларни аниқлаш ва даволаш илинжида бўлган, сизнинг ноингизини эшитгану аммо кўришга ихлосманд кишилар хат билан муражаат қилишлари мумкин экан-дур!

— Албатта. Урганч шаҳри, Богдан Хмельницкий кўчаси, 9-уйга, Муяссар Шариповага, деб ёзишлари ёки 6—45—79 рақамга кўнғироқ қилишлари мумкин. Вақтим ва имконим борича улар ҳузурига борича ва дардларига малҳам бўлишга ҳаракат қиламан.

— Олтангиз ҳақида икки оғиз... Турмуш ўртоғим Фарҳоджон вилоят ойнаи жаҳонда оператор бўлиб ишлайди. Шаҳноза ва Муштарий исми қизчаларимиз бор. Бахтли, тинч-товуш ашяпмиз. Худога минг қатла шукр. Бу бахт, тинчлик, соғлиқ-омонлик ҳар биримизга, ҳар бир оилага йўлдош бўлсин!

— Раҳмат! Сизга куч-қувват, соғлиқ тилаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди

Суратда табиб қиз Муяссар Шарипова турмуш ўртоғи Фарҳоджон, кичик қизалоғи Муштарий ва жияни Семурғлар билан.

Саъдулло БОБО сурати



— Муяссархон, суҳбатни бир миш-мишдан бошласак: воҳага Қизлархон табиб келиб, оммавий даволаш сеанслари ўтказгач, юртда гап-сўз оралаб қолди: гўё Қизлархон билан учрашгач Сиздаги биоқувват каймаган ёки тамомла йўқолиб кетган эмиш...

— Мен миш-мишларга ўрганиб кетганман. Ваҳоланки, Қизлархон Урганчга келганида мен билан учрашгани йўқ. Унинг сеансларига борганим ҳам йўқ. Бу миш-мишлар кимларгадир зарур бўлган, билмадим. Ун уч йил бўлдики, касалларни даволяпман. Шунинг саккиз йилида яширин, сўнгги даврда эса ошкора тарзда. Республикамиздан ва бошқа давлатлардан кўп-кўп беморлар шифо излаб келишарди. Уларга ташҳис қўяман ва уч, беш, етти (касалининг оғир-ёнгилига қараб) сеанс муолажа ўтказаман. Ҳузуримга келиб, норози бўлиб кетаётганлар йўқ.

— Асосан қайси касалликларни даволяпсиз!

— Биринчи галда асаб тизими билан боғлиқ барча хасталикларни. Юрактомир касалликлари, нафас йўллари яллиғланиши, бўйрак ва жигар

хасталикларини, айрим руҳий хасталикларни ҳам.

— Даволаш услубингиз ҳақида...

— Мен ҳеч қачон оммавий сеанс ўтказмаганман ва бундай усулнинг юз фоиз кафолатини ҳам ҳеч ким бера олмас керак. Бу йўл билан кишиларни вақтинча ишонтириш (буни таъбатда психотерапия дейишади) мумкин бўлар. Даволаш йўлим — яқна тартибда. Беморни қабул қилиб, унинг оғриган аъзоси ва хасталигини аниқлайман. Кейин шу хасталикни даволаш имконим бўлса унга ҳар бир сеанс давомида маълум миқдорда бионур юбораман. Кўп беморлар икки-уч сеанс даволаш ўтказгач, ўзларини энгил ҳис қилишади, соғайиб кетишади.

— Синглингиз Нодирахонда ҳам шундай қобилият борлиги, у сиз билан ҳамкорликда ишлаётганини айтишди...

— Нодирахон шахсан Жуна Давиташвилининг қабулида бўлган, у билан мулоқотлашган. Ундаги ноёб қобилиятга Жунанинг ўзи тан берган. Биз ҳар иккалаимиз тиббиёт филимоҳини тугатганмиз. Ҳамкорликда фаолиятимиз беморларнинг даво топиш имконини икки қарра оширади. Акам — ҳамкасбларингиз Давроннинг ўғли Семурғ энди етти ёшга чиқаяпти. Ҳали икки яшар пайти унда ҳам бионур борлигини сезгандим. У ҳам ноёб қобилият эгаси бўлиб етишади. Худо хоҳласа...

— Даволаш хонангизда хонтахта устида Қуръони Карим турганини кўрдим...

— Қуръони Каримни жуда ёш пайтими қўлимга олганман. Лекин уша даврларда кечган сиёсатдан чўчиб уни юзага чиқара олмадим. Биласизми, Қуръони Карим рўпарамда турган пайти қувватим бир неча ҳисса ошади, касалликларга қўяётган ташҳисим юз фоиз тўғри чиқади. Бу муқаддас китоб мен учун илоҳий қувват, маънавий озуқа. Нодирахон мунтазам Қуръон тиловат қилади. Унинг илхоси бағоят баянд.

— Узингизнинг ҳам «кўл бергани» муқаддас авлиёларингиз бор, деб эшитамиз...